



Халқ сўзи

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 30 январь, № 21 (8916)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХАЛҚИМИЗНИНГ ДУНЁ ТАМАДДУНИГА ҚЎШГАН БУЮК ҲИССАСИ ТИМСОЛИ

Президент Шавкат Мирзиёев 29 январь куни Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.



Бу мажмуа тарихимизда илгари бўлмаган улкан ва ноёб лойиҳадири. Бугунги кунда муқташам бино кад ростлаб, қурилиш якуний босқичга кирган.

Ушбу марказ Президентимизнинг 2017 йил 23 июндаги қарорига биноан бошланиб, 2018 йилги Рамазон ҳайити куни давлатимиз раҳбари унинг пой-деворига тамал тоши қўйган эди.

Бағоят улуғвор марказ биноси уч қаватли ташкил этиб, қадимги меъморий обидаларимиз шаклида бунёд этилмоқда. Миллий гумбаз ва пештоқлар, нақшларнинг ажойиб уйғунлиги

унга алоҳида кўрк ва салобат бағишлаган. Мажмуанинг тўрт томонида баландлиги 34 метрли пештоқлар, ўртада 65 метрли гумбаз қурилган.

Марказнинг энг асосий қисмида Қуръони карим зали бунёд этилмоқда. Бу ерда муслмон дунёсининг маънавий дурдонаси — қадимий Усмон Мухаффи жойлаштирилади. Шунингдек, сомониёлар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар, Ўзбекхон, теурийлар ва бошқа тарихий сулолалар даврида битилган муқаддас китобимиз нусхалари ва уларнинг эски ўзбек тилидаги таржималари қўйилади. Жаҳондаги энг но-

дир кўлэзма Қуръонлардан намуналар ҳам ўрин олади.

— Халқимизнинг бой ва бетакрор меросига оид кўп китоблар, турли ўлкаларга сочилиб кетган кўлэзмалар, ноёб маълумотлар, санъат асарлари, афсуски, бизга номаълум эди. Мана шу марказ сабаб бўлиб тарихни ўрганишда катта қадамлар қўйди, янги манбалар юзага чиқди. Энди буларнинг таъсири, натижаси қандай бўлади? Уларни фақат ёдгорлик сифатида сақламасдан, фол илмий истезмолга киритиш, аҳолимиз, ёшларимизга тушунарли тилда етказиш, жаҳон жамоатчилигига

кенг тарғиб қилиш керак. Бу даргоҳ нафақат ўтмиш ҳақида ҳикоя қилади-ган, балки тарих, бугун ва келажакни боғлайдиган, тараққиётимизнинг асосий йўналишларини белгилаб берадиган ақл-тафаккур маркази бўлиши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мажмуада “Ислондан аввалги цивилизациялар”, “Биринчи Ренессанс даври”, “Иккинчи Ренессанс даври”, “Ўзбекистон XX асрда”, “Янги Ўзбекистон — янги Ренессанс” каби бўлимлар ташкил этилади. Президентимиз уларнинг илмий концепцияси, яратилган шароитларга алоҳида эътибор қаратади.

Мазкур даврлар тарихи турли ашёлар, кўлэзма манбалар, суратлар ва мультимедиа воситалари орқали намойиш этилган. Хоразмий, Фароний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Бурхониддин Марғиноний, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Али Қушчи каби аллома ва мутафаккирларнинг серқирра фаолияти ҳақида маълумот берилган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотуридидий, Абу Муин Насафий, Қафқол Шоший, Абдуллоҳиқ Гийдувоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби уламоларнинг ислон маърифатида қўшган ҳиссаси атрофича ёритилган.

Айни вақтда мажмуада Бибиҳоним, Хонзодабегим, Гавҳаршодбегим, Гулбадан, Нодирабегим, Увайсий, Анбар Отин каби тарихимизда чуқур из қолдирган машҳур аёлларнинг илм-маърифат ҳомийси сифатидаги фаолияти ҳам ўз ифодасини топган. Бу экспозиция бугунги қизлар учун ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари марказнинг фаолияти ва аҳамияти ҳақида тўхтади.

— Ислон цивилизациясининг, ислон таълимотининг замини — аслида илм-фан, маданият, таълим ва тарбиядир. Биз барпо этаётган марказнинг бош

гояси, асоси ҳам шу. Энг муҳим томони — юртимиздаги ислон маданияти билан боғлиқ бир неча минг йиллик қадимий ўтмиш бир жойда — мана шу мажмуада мужассам бўлади. Марказ билан танишган одам ана шу тарихни яққол кўриб, ислон дини, бу аввало, тинчлик, тараққиёт ва бағрикенглик дини эканини, ўзбек халқининг дунё тамаддунига қўшган буюк ҳиссасини англайди, — деди Президент.

Ана шу вазиждан келиб чиққан ҳолда марказда улуг аждодларимиз меросини чуқур тадқиқ қилиш, уни бугунги куннинг ўткир муаммоларига жавоб бера оладиган ҳаётбахш кучга айлантириш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун Ўзбекистон халқаро ислон академияси, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридидий номидаги ва бошқа халқаро илмий-маърифий ташкилотлар фаолиятини илмий-усlubий жиҳатдан мувофиқлаштириш, биргаликда замонавий таҳдидларга муносиб илмий жавоблар топиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш керак.

— Насиб этса, бу мажмуа ўзимизнинг меъморий тажрибамиз, Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлик мактаби, илмий-маънавий салоҳиятимиз рамзи сифатида тарихга киради. Ҳар бир бўлимнинг мазмун-моҳияти айни шу мақсадга қаратилиши лозим. Чет элдаги машҳур музей ва кутубхоналар, нуфузли мутахассислар билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани, китоблар, мақолалар нашр этилаётгани эътиборга лойик. Бу ишлар доимий ва илмий асосга эга бўлиши учун ишни режалаштириш керак. Бош мақсадимиз — миллий ўзлигимизни англаш ва англаштириш, — деди давлатимиз раҳбари.

Марказ томонидан бир қатор халқаро илмий муассаса ва ташкилотлар, жумладан, ЮНЕСКО, АЙСЕКО билан яқин ҳамкорлик ўрнатилди. 2024 йил августда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида “Буюк аждодлар мероси — учинчи Ренессанс асоси” мавзусидаги VIII халқаро конгресс ўтказилди. Унда

35 та давлатдан 200 га яқин хорижий олимлар қатнашиб, марказ бўйича қимматли таклиф ва тавсиялар билдирди.

Қурилиш ишлари ва экспозиция билан танишиш жараёнида Шавкат Мирзиёев марказ фаолиятини ташкил этиш, унинг маъно-мазмунини янада бойитиш ва такомиллаштириш юзасидан зарур кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Тошкентнинг туризм салоҳиятига бағишланган тақдирот билан ҳам танишди.

Бундай лойиҳалар кўп жойларда бошланган. Бектемир, Мирзо Улуғбек, Миробод, Юнусобод, Яккасарой, Янги-ҳаёт туманларида 7/24 тартибда ишлайдиган ўнлаб сайёҳлик манзиллари ташкил этилган.

Тошкентнинг Эски шаҳар ҳудуди ўзига хос тарихий аҳамиятга эга. Бу ерга йилнинг барча мавсумида хорижий сайёҳлар кўп келади. Шу боис ҳудуд туризм хизматларига ихтисослаштирилмоқда. Жумладан, ўтган йили Чорсу бозори ёнидаги Гулбозор маҳалласида шундай кўча ташкил этилган. Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳам ободонлаштирилмоқда.

Энди буларга уйғун равишда гастронимик ва туризм кўчаларини ташкил этиш режалаштирилган. Бунинг учун 17 та кўча ва 32 та берк кўча танлаб олинган. Уларда Эски шаҳарнинг ўзига хос меъморий қиёфасини сақлаб қолган ҳолда қўшимча инфратузилмалар яратилади.

Бунинг натижасида ҳудудда фаолият юритаётган тадбиркорлар сони 250 тага қўпаяди, 1 минг 500 та иш ўрни очилади. Мухими, кунлик сайёҳлар сони ҳозирги 4 мингтадан 11 мингтага қўпайиши кутилмоқда.

Мутасаддиларга тадбиркор ва ҳунармандлар учун қулайликларни қўпайтириш, саёҳатларни мазмунли ва қизиқarli ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Олий Мажлис Сенатида

БОЛАЛАРНИ ОВҚАТЛАНТИРИШ — ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан мактабгача таълим ташкилотларида болалар овқатланишини ташкил қилиш юзасидан жамоатчилик назоратини олиб бориш масаласига бағишланган семинар ўтказилди.

Унда Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзолари, Ҳудудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази ходимлари, экспертлар, маҳаллий Кенгашларнинг фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари бўйича доимий комиссиялари раислари, котибият мудирлари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг соғлом овқатланишини ташкил этиш юзасидан жамоатчилик назорати кучайтирилади, бу борада маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ҳам иштироки кенгаймоқда. 6824 та давлат мактабгача таълим ташкилотининг 1172 тасида 83 нафар тадбиркор томонидан аутсорсинг хизматлари йўлга қўйилган. Қолган 5652 та давлат мактабгача таълим ташкилотидан аънавий усулда овқатлантириш ташкил қилинган.

Давлат мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган бўлиб, унга кўра болаларни овқатлантириш босқичма-босқич аутсорсинг усулига ўтказилиши назарда тутилган.



Олий таълим:

ИЛМ-ФАН ВА АМАЛИЁТ УЙЎНЛИГИ

Мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, мазкур тизимни комплекс юксалтириш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига катта куч ва маблағлар йўналтирилмоқда. Натижада олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятида сифат ўзгаришлари рўй бераётди.

Муносабат

Президентимиз ўтган ҳафтада олий таълим ва илм-фан соҳасидаги устувор вазифаларга оид тақдирот билан танишиш давомида мазкур тизимни янада ривожлантириш бўйича тегишли кўрсатма-

лар берди. Эндиликда юртимизда янги олийгоҳлар очилиб, қамров анча кенгайиши, таълим жараёни самарадорлиги оширилиши алоҳида таъкидланди.



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ:

ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР МУВОЗАНАТИНИ ТАЪМИНЛАШГА ИМКОНИЯТЛАР ЕТАРЛИ

Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида”ги Қонун маъқулланди.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: хўш, асосий мақсад ва йўналишлар нималардан иборат? Маҳаллий бюджетни мустаҳкамлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Солиқлар ва солиққа тортиш тизимини Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мувофиқлаштириш йўналишида қандай ўзгаришлар қилиш режалаштирилмоқда?

Кўпчилики қизиқтирадиган шу каби саволларга ойдинлик киритиш мақсадида Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси Эркин ГАДОВЕВ билан суҳбатлашдик.

Жараён

— Эркин Файзиевич, суҳбатимизни “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида”ги Қонун, унинг қамрови ва бу борадаги вазифалардан бошласак.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ўтган даврдаги иқтисодий ислохотлар натижаларига ва келгуси давр учун мўлжалланган ислохотлар шароитида ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2030 йилда 200 миллиард долларга олиб чиқиш вазифаси илгари сурилди. Ушбу мақсадга эришиш учун иқтисодий ўсиш суръатларини 2024-2025 йилларда 6,3 фоиз, 2026 йилда 6,1 фоиз ва 2027 йилда 6,3 фоиз даражасида таъминлаш белгиланган.

2025 йили иқтисодийёт тармоқларида барқарор ўсишни таъминлашимиз учун санаот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми — 6,1; қурилиш ишлари — 14,2; қишлоқ хўжалиги —

4,1; бозор хизматлари 14,5 фоиз ўсиши прогнози қилинган. Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот 2025 йилда 3250 доллардан оширилиши режалаштирилган.

Барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида шу йил ва келгуси йилларда консолидацияланган бюджет таққилигини 3 фоиздан оширамаслик, инфляция даражасини 7-8 фоиз даражасида таъминлаш ҳамда 2027 йилда 5 фоиз даражага тушириш мўлжалланган.

— Рақамлар салмоқли натижалардан дарак берапти. Белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда қандай имкони-ятлар мавжуд?

— 2025 йилга мўлжалланган дастурий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда санаотнинг энергетика, нефть ва газ, металлургия каби йирик тармоқ корхоналари ва транс-порт корхоналарида самарадорлики ошириш ҳамда харажатларни пасайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.



ХС ДИКҚАТ!

«Халқ сўзи» газетасининг анъанавий танловида иштирок этинг!

Тахририятимиз томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган энг яхши мақола ва суратлар танловининг жорий йилги мавсуми бошланганини эълон қиламиз. Унда иштирок этишни истаганлар 2025 — Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти очиб берилган, шунингдек, жойларда тараққиётга ғов бўлаётган камчилик ва муаммолар, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилган таҳлилий мақолаларини юбориши зарур.



Ижодий танлов материаллари қуйидаги тартибда қабул қилинади:

— Муаллифлик ҳуқуқи учинчи шахсга берилмаган ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмаган материаллар (электрон ёки “А4” формат қоғозга чоп этилган нусхада);

— “Jpeg” форматда RGB ранглар текислигида суратга олинган, юқори сифатга эга ва узун томони камида 2 000 пиксель ўлчовдаги фотосуратлар электрон нусхаларда қабул қилинади. Тасвирларда рамкалар, ёзувларга йўл қўйилмайди. Фотосуратлар қисқа ҳамда ишончли

тағхат билан тўлдирилиши керак.

Танловга ижодий ишлар йил давомида қабул қилинади. Материаллар ва фотосуратларга муаллиф ҳамда унинг профессионал фаолияти тўғрисидаги маълумот ва телефон рақамлари илова қилиниши лозим.

Мақолалар, лавҳалар, очерклар, фотосуратларни баҳолашда асосий эътибор уларнинг мавзуси долзарблигига, ўзига хослигига, ихчамлигига, кўтарилган масала қанчалик тўлақонли очиб берилганига қаратилади.

Энг яхши мақолалар ҳамда суратлар “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида ёки сайтида чоп этилади. Ҳакамлар ҳайъати томонидан қолиб деб топилган муаллифлар йил якунида махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.



Ижодий ишларни “Танлов учун материал” белгиси остида тахририятнинг Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ислон Каримов кўчаси, 55-ўй манзилга ёки info@xs.uz электрон почтасига юборинг. Телефон: +998 99 3737302

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ:

ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР МУВОЗАНАТИНИ ТАЪМИНЛАШГА ИМКОНияТЛАР ЕТАРЛИ

Табийи ресурсларни те- жаш ва улардан оқилона фойдаланиш асосий вази- фа ҳисоб- ланади. “Течамкорлик ва барқарор- лик” тамойили асосида Атроф-муҳит- ни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йи- лида амалга ошириш бўйича давлат дастури лойиҳасида ҳам давлат кор- хоналарининг трансформация қилини- ши натижасида уларнинг харажатла- ри 10 — 20 фоизга назарда тутилган. 2025 йилда “яшил иқтисодиёт” тамойилларини жорий этиш, иқти- содиётни декarbonизация қилиш ва иқлим ўзгаришига мослашишга қаратил- ган лойиҳаларни барқарор молиялашти- риш борасида умумий қуввати 3,5 ги- гаватт бўлган 16 та йирик қуёш ва шамол станциясини ишга тушириш, умумий қуввати 160 мегаваттлик йи- рик гидроэлектростанцияларни бар- по этиш орқали жами электр энер- гияси генерациясидаги улушини 26 фоизга етказиш режалаштирилган. Кейинги йилларда хизматлар со- ҳасининг ялпи ички маҳсулот ҳажми- даги улуши сезиларли даражада ош- моқда. Статистик маълумотларга қура ялпи ички маҳсулот ўсишининг 45 — 50 фоизи хизматлар соҳаси ҳисса- сига тўғри келмоқда. Транспорт инфратузилмасини яна- да ривожлантириш ялпи ички маҳсу- лот ҳажми ўсишидаги ўрнини ҳисоб- га олиб жамоат транспорт инфра- тузилмасини янада ривожлантириш режалаштирилган. Умуман олганда, иқтисодиётнинг барча тармоғини ҳамда ҳудудларни ривожлантириш борасидаги дастурларнинг амалга оширилиши макроиқтисодий кўрсат- кичлар прогнозининг бажарилишини таъминлашга асос бўлади. Макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, 2025 йил учун солиқ-бюд- жет сиёсатининг асосий йўналишла- ри ҳамда кейинги йиллардаги барқа- рор ўсиш суръатлари асосида 2025 йилга мўлжалланган Давлат бюджетни шакллантирилган. — “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюдже- ти тўғрисида”ги Қонунда қандай асосий йўналишлар белгиланган? — Тадбиркорлиқни қўллаб-қувват- лаш борасидаги Президентимиз то- монидан белгиланган вазифалардан келиб чиқиб 2025 йил учун солиқ сиёсатида муҳим ўзгаришлар бел- гиланиб, асосий солиқ турлари бўйича солиқ ставкалари ўзгариш- сиз қолдирилган. Фойда солигининг базавий став- каси 15, жисмоний шахслардан оли- надиган даромад солиғи 12, ижти- мойий солиқ 12, айланмадан олина- диган солиқнинг базавий ставкаси 4,

қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12, юридик шахсларнинг мол-мулкига со- линадиган солиқ ставкаси 1,5 фоиз миқдориди сақланиб қолинган. Маҳаллий ишлаб чиқариладиган табиий газ истеъмоли учун акциз со- лиғи ставкаси 20 фоиздан 12 фоиз- гача пасайтирилиб, маҳаллий ва им- порт қилинадиган табиий газ учун бир хил тарзда белгиланмоқда. Импорт ва маҳаллий ишлаб чиқа- рилган газга бир хилда солиқ став- калари белгиланиши маҳаллий та- биий газ ишлаб чиқариш ва етказиб бериш хизматларида солиқ юқини па- сайтириш имконини беради. — Солиқлар ва солиққа тортиш тизимини Жаҳон савдо ташкило- ти талаблариға мувофиқлаштириш йўналишидаги ўзгаришлар нима- лардан иборат? — Солиқлар ва солиққа тортиш тизимини Жаҳон савдо ташкилоти талаблариға мувофиқлаштириш йўна- лишида ҳам муҳим ўзгаришлар амал- га оширилиши белгиланган. Жаҳон савдо ташкилоти талабла- рига мувофиқ акциз солиғи ставка- лари маҳаллий ва импорт қилинади- ган маҳсулотлар учун бир хил бўли- ши лозимлигидан келиб чиқиб 2025 йил 1 январдан сигареталар учун акциз солиғи ставкасининг ад- валор қисми бекор қилинмоқда ҳамда маҳаллий маҳсулотнинг минг дона- сига 300 минг сўм (амалда 251 минг сўм), импорт учун эса 330 минг сўм (амалда 320 минг сўм) белгиланди. Шу йил 1 июлдан бошлаб эса ставкалар тенглаштирилган ҳолда си- гаретларнинг ҳар минг донаси учун 340 минг сўм миқдориди белгилаш назарда тутилган. 2025 йил 1 январ- дан ароқ, коньяк ва таркибида спирт ҳажми юқори бўлган бошқа алкоголь маҳаллий ва импорт маҳсулотларига акциз солиқлари ўртасидаги фарқ 1,7 мартагача қисқартириш белгилан- ган (амалда орадаги фарқ 2,7 марта). Бюджет даромадлари барқарор- лигини таъминлаш ва Жаҳон савдо ташкилотининг “Субсидиялар ва компенсация чоралари тўғрисида”- ги Битимига асосан товарларни (хиз- матларни) экспортга реализация қилишдан олینگан даромадлар бўйича фойда солиғи ва айланмадан оли- надиган солиқ бўйича имтиёзлар бек- ор қилинди. — Маҳаллий бюджетни мус- тақамлаш масаласи бот-бот таъкидланяпти. Бу борада қандай ишларни амалга ошириш режа- лаштирилган? — Маҳаллий бюджетлар дарома- дини оширишга қаратилган тадбир- лар доирасида солиқ бўйича халқ де-



путатлари маҳаллий Кенгашлари ва- колатларини кенгайтириш мақсади- да 2025 йил 1 январдан Қорақалпо- истон Республикаси Жўқорғи Кен- геси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига ту- ман ҳамда шаҳарларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидан, яқка тар- тибдаги тадбиркорлар учун қатъий солиқ ставкалари миқдорини энг кам ва энг юқори ставкаларидан келиб чиқиб белгилаш ваколати берилди. Туман (шаҳар)лар маҳаллий Кен- гашларига сув солиғи ставкасига 0,7 гача камайтирувчи ва 1,5 гача оширувчи коэффициент қўллаш ва норуда қурилиш материаллари учун (цементдан ташқари) белгиланган қатъий ставкасини 1,3 баробаргача оширувчи коэффициент қўллаш ва- колати берилди. 2025 йил учун солиқ-бюджет сиё- сатида кўзда тутилаётган ўзгаришлар ҳамда иқтисодий ўсиш кўрсаткичла- ридан келиб чиқиб, Давлат бюджети даромадлари прогнози 308,5 трилли- он сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 19 фоиз миқдориди бел- гиланган. Давлат бюджети харажатлари бўйи- ча 2025 йил учун қарийб 345 трлн. сўмлик харажатлар прогнози белги- ланган бўлиб, бюджет харажатлари- нинг 52 фоизи ёки 178 трлн. сўми ижтимоий соҳага йўналтирилади. Иш ҳақи, ижтимоий нафақалар ва унга тенглаштирилган тўловлар учун 179 трлн. сўм маблағ режалаштирил- ган. Таълим соҳасига 84 трлн. сўм ёки ўтган йилги ижрога нисбатан 13 трлн. сўм кўп маблағ режалаш- ча бўлиб, бюджет таълимга 54 трлн. сўм ёки 2024 йилдагидан 22 фоиз кўп маблағ кўзда тутилган. 2025 йил ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш харажатлари учун ҳам 10 трлн. сўм маблағ ажрати- лиши кўзда тутилган. Шу билан бир- га, соғлиқни сақлаш соҳасига 41 трлн. сўм ёки 2024 йилдагига нисбатан 20 фоиз атрофида кўп маб- лағ ажратилиши белгиланган.

Давлатимиз раҳбари томонидан маҳаллаларда тадбиркорлиқни ри- вожлантириш, аҳоли бандлигини таъ- минлаш ва камбағаллиқни қисқарти- риш бўйича белгилаб берилган усту- вор йўналишлардан келиб чиқиб “2025 йил учун Ўзбекистон Респу- бликасининг Давлат бюджети тўғри- сида”ги Қонунда камбағаллиқни қисқартириш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ тадбирларга 47 трлн. сўм аж- ратиш кўзда тутилган. 2025 йил Давлат бюджетиди эко- логия ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари учун 3 трлн. 480 млрд. сўм маблағ ажратиш ре- жалаштирилган. Шундан ўсимлик ва ҳайвонот дунёси муҳофазасини таъ- минлаш тадбирларига 338 млрд. сўм, кўкаламзорлаштириш ишларини амал- га ошириш ва ушбу йўналишда обо- доллаштириш бошқармаларининг моддий-техникасини мустақамлаш учун 170 млрд. сўм, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида қўчатлар ҳарид қилиш, суғориш тизимини жорий этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун 100 млрд. сўм йўналтирилади. Иссиқлик таъминоти корхоналари учун аҳолига тарифларни паст нарх- ларда ушлаб туриш натижасида қўрил- ган зарарни қоплаш учун бюджет- дан 4 трлн. 846 млрд. сўм маблағ йўналтирилмоқда. Президентимиз томонидан туман ва шаҳарлар бюджетлари даромад- лар базасини мустақамлаш, улар мустақиллигини ошириш бўйича бел- гилаб берилган вазифалар ижроси- ни таъминлаш мақсадида айланма- дан олинадиган солиқ, ер ва мол- мулк солиқлари тўлиқлигича, йирик солиқ тўловчилар томонидан тулана- диган солиқлардан ташқари жисмон- ний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумларининг камида 50 фоизи туман ва шаҳарлар бюд- жетларининг ўзиди қолдирилиши белгиланган. Давлат мулкни хусусийлаштириш- дан маҳаллий бюджетларга тушади- ган тушумларнинг 50 фоизи туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетларида қолдирилади ҳамда давлат мулкни ижарага беришдан тушумлар туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетлари- га йўналтирилади. Қўриниб турибдики, 2025 йил учун белгиланаётган макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳамда Давлат бюджети даромад ва харажатларининг бажа- рилишини таъминлашда барча имко- ният ва ресурслар мавжуд.

Суҳбатдош Азиз НОРҚУЛОВ «Халқ сўзи».

БОЛАЛАРНИ ОВҚАТЛАНТИРИШ – ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА

Семинарда бола- ларни соғлом овқат- лантиришни ташкил этиш юза- сидан жамоатчилик ҳамда депу- татлик назоратини олиб бориш- да маҳаллий Кенгашларнинг фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари бўйича доимий комиссиялари фао- лиятини йўлга қўйиш маса-

лалари муҳокама қилинди. Депутатлар томонидан ташкил этиладиган жамоатчилик ўрга- нишларида бракераж комиссия- лари фаолияти самарадорлиги- га эътибор қаратиш зарурлиғи билдирилди, тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳодимларининг малакасини ошириш марказида Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзоси Абдусид Қўчимов билан учрашув ўтказилди.

Сенатор ва ҳаёт

Маҳалла раислари билан му- лоқот давомида Олий Мажлис Сенатининг учинчи ялпи маж- лисидида муҳокама этилган маса- лалар, қабул қилинган қонунлар- нинг аҳамияти ҳақида маълумот берилди. — Ҳар бир давлат учун иқти- содий барқарорликка эришиш, тинчлик-оқойишталикни таъ- минлаш ва халқ фаровонлиғи- ни ошириш асосий масала ҳисобланади, — деди сенатор А. Қўчимов. — Ўтган ялпи маж- лисда 20 та масала, жумладан, 18 та қонун қўриб чиқилди. Улар халқимиз манфаатлари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, кадрини улуғлаш нуктаи назаридан қизгин муҳокама қилинди, тегишли ҳужжатлар, қонунлар маъқулланди. Уларнинг ҳар бири ҳаётимиз- да катта аҳамиятга эга. Маса- лан, “Ўзбекистон Республикаси- нинг айрим қонун ҳужжатлариға ўзгартириш ва қўшимчалар ки- ритиш тўғрисида”ги қонун билан фуқаролар йиғинлари раислари

сайловини ташкил этиш ва ўтқа- зиш тартиби янада такомил- лаштирилмоқда. Унда фуқаро- лар йиғини раиси ваколатлари мuddатини 3 йилдан 5 йилга узайтириш, бўшаб қолган ўрин- ларга фуқаролар йиғинлари раисларини 5 йил мuddатга сай- лаш, фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишни Қорақалпо- истон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияла- рининг ваколатларига ўтказиш назарда тутилган. Иштирокчилар ҳам ялпи маж- лисда муҳокама этилган маса- лалар, қабул қилинган қонун- ларнинг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини, уларнинг ижросига доир таклиф ва та- шаббусларини билдирди. Сенатор қўтарилган масала- лар бўйича тегишли идоралар билан муҳокама ўтказишини маълум қилди.

Абдулазиз Йўлдошев «Халқ сўзи».

Олий таълим: ИЛМ-ФАН ВА АМАЛИЁТ УЙЎНЛИГИ

Охириги йилларда юртимиз- да олий таълимда сифатга ало- ҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда олий таълимда илмий са- лохиятни 55 фоизга қиқариш, хорижда 5 минг нафар педагог малакасини оши- риш режалаштирилган. Илғор муҳандис- лик мактабларини 25 тага етказиб, саноат корхоналари билан лойиҳалар қийматини 10 баробар кўтариш мақсад қилинган.

Шубҳасиз, янги Ўзбекистонда ёшлар- ни ҳар ҳижатдан билимли, малакали, етук мутахассислар этиб тарбиялаш ус- тувор аҳамиятга эга бўлиб, ушбу йўна- лишда изчил сый-ҳаражатлар олиб бо- рилмоқда. Асосий эътибор ҳам олий таълим соҳасидаги дастлабки ислохот- лар, аввало, қамровни ошириш, инсти- тут ва университетларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, профессор-ўқитув- чиларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилляпти. Тақдимотда мутасаддиларга давлат таълим стандартларини халқаро стан- дартларга мослаштириш бўйича топши- риклар берилиб, ўқитилаётган фанлар мазмунан қайта қўриб чиқилиши, ориқ- ча тақдорланишларни қисқартириш ҳамда талабаларга мустақил илмий из- ланиш учун имконият яратиш кераклиғи таъкидланди. Олий маълумот талаб қилидиган касбларни оптималлаштириб, иқтисодиёт тармоқлари учун зарур янги касблар билан тўлдириш вазифаси қўйилди. Шу жумладан, докторантура квотасини тақсимлашда иқтисодиётнинг драйвер соҳаларига аҳамият қаратиш, илмий даража ва унвонлар олиш тарти- бини такомиллаштириш бўйича кўрсат- малар берилди. Педагоглар касбий ма- хоратини оширишни янги босқичга олиб қиқиш зарурлиғига урғу берилди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, тақди- мотда қўтарилган мингдан ортиқ таъ- лим дастурлари “ТОП — 300” универси- тет дастурлари асосида такомиллашти- рилиши алоҳида аҳамиятга эга. Бу эса миллий олий таълим муассасалари то- монидан нуфузли университетлар таж- ribsаси асосида талабалар учун таълим зиматларини кўрсатиш имкониятини беради. Ёшлар тарбиясида ахлоқ ва спорт ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиғига аҳа- ми- ят қаратилди. Бу борада “Беш ташаб- бус”, “Маърифат улашиб”, “Талабалар



спорт лигаси”, “Заковат” каби ҳ а р а к а т л а р йўлга қўйилган. Бундай маъна- вий-маърифий, спорт ва интел- лектуал лойиҳа- лар билан тала- баларни тўлиқ қамраб олиш, ёшларда ватан- парварлик руҳини қучайтириш тадбир- лари ҳақида ахборот берилди. Яна бир муҳим ҳижатга алоҳида эъти- бор қаратилди. Яъни эндиликда таълим тизими фақат таълим бериш билан чек- ланиб қолмасдан, унинг илм-фан билан боғланиши ва ҳар қандай ишлаб чиқа- риладиган тадқиқотлар истиқболда ама- лий ечимларини топиши, ишлаб чиқа- ришга жорий этилиши лозимлиғи айтиб ўтилди. Бу йўналишда ҳам мутасадди- ларга аниқ топшириқлар берилди. Энг аввало, ҳудудларнинг ривожла- ниш бўйича драйвер соҳаларини аниқ- лаш ва бу бўйича илмий тадқиқот иш- ларини олиб бориш ҳамда бу жараёнга магистрлар, талабаларни ҳам жалб этиш лозимлиғи таъкидланди. Биламизки, сунъий интеллект имко- ниятларидан фойдаланиш долзарб бўлиб, ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам чуқур тўхталиб ўтилди. Эндиликда ёшларга бу йўналишдаги аниқ йўлни шакллантириб бериш, кела- жакда олий таълим тизимида етишиб чиқаётган барча кадрларнинг бу бора- даги салоҳиятини юксалтириш масала- лари ҳам берилган муҳим топшириқлар қаторидан ўрин олди. Албатта, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ёшларда мустақил фикрлаш орқали инновация- н ёндашув ва жамият ривожига ижтимоий ҳисса қўиши қобилиятини ҳам шакл- лантиради. Бундан ангғлашладикки, юр- тимиз тарақиётда олий таълим тизи- мини янада такомиллаштириш ва унинг қамровини кенгайтириш, ёшларимизга энг замонавий шароитлар яратиш дав- латнинг доимий эътиборидаги масала бўлиб қолади.

Барно БЕРДИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Халқ сўзи

2025 йил 30 январь

АҲОЛИ

МАНФААТЛАРИ

ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Туман маҳаллаларида томорқа ва уй ҳўжалиқларидаги имконият- лардан самарали фойдаланиш, тадбиркорлиқни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш ва камбағаллиқни қисқартириш бўйича олиб борилаётган иш- лар ҳолати ўрганилди. Мамлакатимизда одамларга қулайлик яратиш, уларнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, реал даромад- ларини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлиқни янада ривож- лантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, янги қабул қилинган қонунлар моҳияти кенг жамоатчиликка етказилди.

Маҳаллаларда ва ҳонадонларда аҳоли би- лан ўтказилган мулоқотларда фуқаролар “ма- ҳалла еттилиғи” фаолияти йўлга қўйилган- дан мамнун эканлиғи, улар аҳоли муаммо- ларини тезкор ва самарали ҳал қилиш им- конини бераётганини билдирдилар. Маҳал- ла фаоллари, ёшлар, бизнес вакиллари ўзла- рини ўйлантириб келаётган ўндан ортиқ мас- салаларни ўртага ташлашди. Аксарият маса- лалар жойида бартараф этилди, вақт талаб қиладиганлари эса назоратга олинди. Фракция раҳбари тумандаги қатор тиб- биёт муассасалари фаолияти, уларда бемор- лар учун яратилган шароитлар, қулайликлар- ни ҳам кўздан кечирди. Урганишлар даво- мида “Учма” МФЙ аҳолиси тиббиёт муасса- сасига 30 километр йўл босиб келаётгани маълум бўлди. Фуқаролар “Учма” ва “Оқтош” МФЙ аҳоли- си учун янги оилавий шифохона очиш ло- зимлигини билдирди. Ушбу масала назорат- га олиниб, тегишли вазирлиқлар билан биргаликда ҳал этиш чораларини қўриш бел- гилаб олинди. Ишчи гуруҳ аъзоларининг навбатдаги ман- зили — “Basalt Uzbekistan” кластери бўлди. Фракция раҳбари 1300 нафар киши меҳнат қилаётган ва ҳудуд иқтисодиётида етакчи ўрин тутувчи кластер фаолияти билан яқин- дан танишиб, тадбиркорлиқни ривожланти- риш, бизнес вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди. Шу билан бирга, корхона фаолиятини янада кенгайти- риш, маҳсулотлар турини кўпайтиришга доир зарур тавсиялар берилди.

Ижтимоий масалалар ҳал этилди

Қонунчилик палатаси депутати Гулжан Халмуратова Тахиятош туманидаги “Найман” овул фуқаролар йиғинида жамоатчилик фаоллари билан учрашди. Унда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси до- ирасида барча соҳада амалга оширилаётган туб ислохотлар, қонунчиликдаги янгиликлар, қабул қилинаётган қонунларнинг аҳамияти ҳақида кенг маълумотлар берилди. Мулоқот давомида фуқаролар томонидан ички йўлларни таъмирлаш, иш ўринлари яратиш, кадастр ва бошқа масалаларга оид қатор муурожаатлар кўтарилди. Хусусан, “Найман” ОФЙнинг Нафосат кўчасида яшов- чи Дилбар Жуматаева кўчани шағаллашти- риш ишлари якунига етмаганига урғу бе- риш, бу масалада депутатдан амалий ёрдам сўради. Халқ вакили шу ернинг ўзиди те- гишли ташкилот вакиллари билан гаплашиб, муурожаатни ижобий ҳал этди. Депутат ушбу маҳалла ҳудудида жойлаш- ган оилавий поликлиника фаолияти билан ҳам яқиндан танишди. Урганиш давомида тумандаги мазкур поликлиникада Рентген аппарати йўқлиғи маълум бўлди. Депутат ушбу масалани назоратга олиб, мутасадди ташкилотлар билан биргаликда уни ижобий ҳал этишини билдирди. Навбатдаги манзил — Ҳўжайли туманида- ги 6-умумтаълим мактаби бўлди. Халқ ваки- ли бу ерда ўқувчилар учун яратилган шарт- шароитлар, қулайликларни кўздан кечирди. Ушбу таълим муассасасида ташкил этил- ган сайёр қабулда фуқаролар томонидан бандлик, транспорт ва йўл қурилиш, тад- биркорликни қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақ- лаш, исзисизлик, уй-жой масаласи, ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш ва қуришга доир қатор муурожаатлар кўтарилди.

Кенг жамоатчилик эътирофи

Қонунчилик палатаси депутати Хилола Юсупова Тўрақўрғон туманида сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Хусусан, ту- мандаги болалар мусяҳа ва санъат мактабида бўлиб ўтган мулоқотда фуқаролар томони- дан коммунал ва ижтимоий соҳага оид қатор муаммолар кўтарилди. Халқ вакили шу ер- нинг ўзиди мутасадди ташкилот раҳбарлари билан боғланиб, уларни бартараф қилиш чо- раларини кўрди. Депутатнинг навбатдаги учрашуви Давла- тобод туманида жойлашган 52-умумтаълим мактабида давом этди. Ўқитувчилар, ҳудуддаги “Порлок”, “Умид”, “Янги тонг”, “Навбахор”, “Давлатобод”, “Ис- тиклол” маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирок этган йиғилишда сўнгги йилларда таълим соҳасида амалга ошири- лаётган ислохотлар ҳақида сўз борди. Сўзга чиққанлар охириги саккиз йилда таъ- лим соҳасида бўлаётган катта ўзгаришлар хусусида тўхталиб, давлатимиз томонидан берилаётган эътибор натижасида Наманган вилоятида ҳам қўллаб янги таълим муасса- салари қурилиб, қамров даражаси ошганли- гини айтишди. Мамлакатда ёшларнинг жа- ҳон андозаларига мос замонавий билим оли- ши учун яратилаётган шароитлар натижаси-

да эртасми эгалари минтақавий ва халқаро- фан олимпиадаларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келаётгани таъкидланди.

Маҳалла учун янги бино қурилади

Парламент куйи палатаси депутати Дил- мурод Исмоилов сайловчилар билан уч- рашувларини Наманган вилоятидаги Давлато- бод туманидан бошлади. Янги тонг, Истиқлол ва Навбахор маҳал- лаларида ўтган мулоқотларда фуқароларга кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, қабул қилинаётган янги қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Аҳоли билан учрашувлар чоғида депутат- га ички йўлларни таъмирлаш, фойдаланил- маётган биноларни тадбиркорларга бериш, Истиқлол маҳалласи учун янги бино қуриш бўйича муурожаатлар тушди. Ушбу масала- лар депутат назоратиға олиниб, ижобий ечим топадиган бўлди.

Очиқ ва самимий мулоқот

Қонунчилик палатаси депутати Эркин Ҳайитов Қамаши туманида бўлиб, сайлов- чилар билан учрашувлар ўтказди. Очиқ ва самимий мулоқотлар чоғида сай- ловчиларга мамлакатимизда олий бори- лаётган ислохотлар, ижобий ўзгаришлар, қонунчиликдаги янгиликлар тўғрисида маъ- лумотлар берилди. Хусусан, депутат фермерлар билан бўлиб ўтган учрашувда ердан унумли фойдаланиш, дала четларидаги ер майдонларини ўзлаштириш, ерни эрта баҳорда экишга тайёрлаш масаласига тўхталиб ўтди. Шунингдек, ерни экишга сифатли тайёр- лаш мўл ҳосил олишининг муҳим шартлари- дан бири экани, бу борада замонавий усул- лар, технологиялар ва илмий ҳулосалардан фойдаланиш лозимлиғи билдирилди.

Депутат “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ташкил этилаётган “Ёшлар боғи”га ҳам бориб, қўчат экиш иш- ларда фаол қатнашди.

Депутат қўмағида поликлиника фаолияти қайта тикланди

Қонунчилик палатаси депутати Тоҳир Пол- новоннинг Богот туманидаги сайловчилар билан учрашувлари кўтаринки руҳда ўтмоқ- да. Депутат Оқтепа маҳалласидаги учрашув- да дастлаб аҳолиға қонунчиликдаги янгилик- лар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида маълумотлар берди. Шундан сўнг депутат аҳолини ўйлантира- ётган масалалар, улар томонидан тушаёт- ган таклифларга эътибор қаратди. Хусусан, сайловчилар маҳаллада жойлашган кўп тармоқли оилавий поликлиника фаолияти тўхтатиб қўйилганини қайд этиб, ушбу ма- саланинг ечимини сўраб муурожаат қилиш- ди. Депутат қўмағи билан мазкур масала ту- ман мутасаддилари иштирокида жойида ечим топди.

Тиббиёт муассасаси фаолияти тўхта- тилгани қишнинг қировли, изғиринли қуна- ридида ёш болалар, нуронийлар, ёш болали аёллар, ногиронлиғи бор беморларнинг узокқа қатнашида муаммолар келтириб чиқараётган эди, — дейди маҳалла раиси Умид Бобожонов. — Депутатнинг сайй-ҳара- кати билан аҳоли қўйинчиликлардан халос бўлди. Маҳалладашларимизнинг қувончи чексиз. Поликлиникамиз яна аҳолиға хизмат кўрсатишни бошлади.

Муурожаатлар жойида ечим топмоқда

Қонунчилик палатаси депутати Одилжон Иминов Қизирқ туманида бўлиб, сайлов- чилар билан учрашувлар ўтказмоқда. Депутат “Қорасув” маҳалла фуқаролар йиғинида уйма-уй юриб, фуқароларнинг ҳаёти, турмуш тарзи билан яқиндан таниш- ди. Мазкур учрашувларда айрим муурожаат- лар ўз ечимини топди. Хусусан, ногиронли- қ бўлган фуқаро Барно Бозоровнинг ти- кув машинаси олишда ёрдам сўраб қилган муурожаати ижобий ҳал бўлди. Халқ вакилининг кейинги ўрганиш манзил- и — тумандаги 18-умумтаълим мактаби бўлди. Депутат таълим муассасасида ўқув- чиларнинг сифатли билим олиши учун яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, ёшларнинг касб-хунар ўрганишлари бўйича қатор таклифлар билдирди. Маҳалла фаоллари билан бўлиб ўтган уч- рашувда Қонунчилик палатасида қабул қилинган янги қонунлар, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилида амалга ошириш- га оид давлат дастури лойиҳаси ҳақида ба- тафсил маълумот берди. Мулоқот чоғида аҳолини ўйлантириб ке- лаётган бир қатор масалалар ўртага таш- ланди. Депутат уларнинг ечимини назорат- га олди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депу- татларининг ҳудудлардаги учрашувлари да- вом этмоқда.

«Халқ сўзи».

ОИЛА БАХТИ, ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ

аёлларнинг ўқиб, олий маълумотли бўлишига ҳам боғлиқ

Хотин-қизларнинг билим олиши, илмли бўлиши нафақат оиласи, балки жамият учун ҳам манфаатлидир. Зотан, оилада бир нафар қиз ўқиб, олий маълумотга, замонавий касб-хунарга эга бўлса, хонадондаги муҳит бутунлай ўзгаради, унинг фарзандлари ҳам билимли, оқила бўлиб вояга етади. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Аёлларнинг, хусусан, қиз боланинг ўқиб, олий маълумотли бўлиши, касб-хунар

эгаллаши оила бахти, фарзандлар камоли учун, шу асосда бутун жамият равнақи учун хизмат қилади”.

Шу боис юртимизда хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим дастурлар қабул қилинмоқда, хайрли ташаббус ва ғоялар илгари сурилмоқда, бу, ўз ўрнида, янги Ўзбекистон танлаган шонли йўлнинг таркибий қисмидир.

Куйидаги юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазалари ҳам айнан шу ҳақда.

■ Эртанинг умиди

Дилбар ҒУЛОМОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, олима:

— Мутафаккир жадид бобоми Абдурауф Фитрат “Оналар — бутун башариётнинг тарбиячиларидир”, деганида нақадар ҳақ эди. Атрофга яхшилаб эътибор берайлик, қаердадир уруш ёвузлик уруғларини одамлар устидан сочмоқда, қаердадир очликдан қанчадан-қанча оилалар, ғўдаклар нобуд бўлмоқда. Хўш, бунинг илдизи қаерда? Шубҳасиз, илмсизлик, берилган нотиқри тарбияда. Бунда, айниқса, аёл-қизларнинг яхши таълими-тарбия олмагани, вақтида ўқитилмагани, ўқимагани бўлиб кўринади. Чунки биринчи галда илм олган, яхши тарбия кўрган аёлдан соф фикратли, эзгуликпарвар болалар дунёга келади, кейин улар яхши муҳитда улғаяди, келажақда эса, албатта, ота-онаси юрган йўлдан боради — ўқийди, камол топади, ўз фарзандларига ҳам шуни тавсия қилади. Шу тариқа миллат равнақ топади, ривожланади, юксалик пиллапояларидан илдам одимлайди.


Демак, бугун биз фаровон ҳаёт истасак, аёл-қизларимизни билимли қилишимиз, уларга

бунинг учун зарурий шароитларни яратиб беришимиз шарт. Шу маънода, юртимизда ҳаётга татиқ этилаётган ташаббуслар, хайрли ишларни эътироф этмоқ жоиз. Хусусан, 2024 йилги маълумотларга кўра, юртимиздаги олийгоҳларда таълим олаётган 1 миллион 300 минг нафарга яқин талабаларнинг ярмидан кўпи, яъни 653 минг нафардан зиёдини хотин-қизлар ташкил этган. Магистратурада ўқётган ёшлар орасида эса қизларнинг улуши 14 минг нафар. Шунингдек, ўтган ўқув йилида эхтиёжманд оилаларга мансуб 1 минг 914 нафар хотин-қиз олийгоҳларга қўшимча давлат гранти бўйича ўқишга қабул қилинди. 181,5 мингдан ортиқ қизлар учун имтиёзли таълим кредитлари ажратилди. Ижтимоий химояга муҳтож оилалар вақтида, етим қолган ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 2 мингдан зиёд талабалар учун 14 млрд. 500 млн. сўм шартнома пули маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қоплаб берилди. Давлат олийгоҳларининг магистратура бўлимида ўқётган хо-



тин-қизларнинг шартнома пуллари бюджетдан тўланмоқда. Шундай имкониятлар бўла туриб, қизи ўқишга қиролмаса, узатиш пайида бўладиган ота-оналарга ҳайрон қоламан. Ахир фарзандингиз ўқигани сиз учун, бўлажак набираларингиз учун фақат фойда-ку! Буни тушуниш нахот шунчалик қийин бўлса?!

Дунёда иқтисодий инқироз давом этаётган ҳозирги кунда, қанчалик қийин бўлмасин, юртимизда таълим тизимини янада ривожлантириш учун зарур маблағ ва имкониятларни топиб, амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ўз натижасини беради. Келажақда олийгоҳларимизда тахсил олаётган хотин-қизлар орасидан илм-фан, сиёсат ва жамоат арбоблари, маданият ҳамда санъат, спорт номсоздалари етишиб чиқишига шубҳа йўқ.



Феруза БОЛТАЕВА, Кўшкўпир туманидаги 6-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси:

— Фарзандлар илмли, тарбияли, хулқи яхши бўлиши, асосан, онага, айниқса, ўқиган, дунёқараши кенг онага боғлиқ экани кундек равшан. Бироқ одамларимизда биров худбинликка йўғрилган одатлар ҳам йўқ эмас. Дейлик, оилада ота ёки она боласининг яхши одатларини ўзига, ёмон қилиқларини қарши тарафга ўхшатиши бор гап. Камига бизда бола отага ўхшаши шарт, деган қатъий тушунча ҳам мавжуд. Уни отасига ўхшатишнинг иложи топилмаса, тоғасига ўхшатамиз. Буни ҳазил аралаш айтимиз-у, аммо ичимиздан бола характери онаси таъсирида шаклланишини билиб тураемиз. “Эр йигит тоғасига ўхшайди”, деб уни онаси тарафга ўхшатишимиз ҳам ана шу эътирофимиз белгиси аслида. Халқимиз даҳоси яратган мақолларнинг бирида “Отаси тентакнинг биттаси тентак, онаси тентакнинг ҳаммаси тентак”, дейилади.

Юқоридаги фикрлардан шу ҳақиқат англашиладики, она қанчалик билимдон, доно, одоб-ах-

локи жойида бўлса, у дунёга келтириб, тарбиялаган фарзандлар ҳам шунчалик илмли, намунали, ҳамма ҳавас қиладиган даражада бўлади. Очилини айтсам, ўқишим учун вақтида шароит бўлмаган, бу кейинчалик кўп жойларда панд берди, шуларни ҳаёдан ўтказиб, болаларимни, айниқса, қизимни, албатта, ўқитаман, деган фикрга келгандим. Бирин-кетин фарзандларим дунёга келди, биринчиси қиз, кейин иккита ўғил. Уларнинг ўқишга интилишларини қўллаб-қувватладим. Вақт кўз очиб юмгунча ўтдию кетди, қизим бирпасда улғайди, мактабни тугатиб, олий таълим муассасасига ўқишга кирди. Бугун укалари ҳам ортидан эргашмоқда. Қани айтинг-чи, бир онага шундан ортиқ бахт борми?!

Юртимизда ўғил-қизларимизнинг таълим-тарбия олиши учун яратилган имкониятлар шу қадар кўпки, фарзандларнинг биттаси ўқиса етади, қолганини шу тортади, деган фикрга келишнинг ҳождати йўқ, ҳаммасини ўқитиш, илмли қилиш учун шароитлар етарли. Бизга насиб этмагани фарзандларимизга насиб қилаётганидан мамнунман.

Бундан шу хулосага келиш мумкин, агар қай мамлакатда аёл-қизлар қадри юксалтирилса, уларнинг илм олишига шароит яратилса, ўша давлатнинг миллий ғурури, маънавият ва маданияти юксалади, ҳалол, фидойи, ватанпарвар, жамиятга фойда келтирувчи, миллатини бутун жаҳонда улуғловчи фарзандлар сафи кенгайиб бораверади.



Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

ИЖАРАДАН – ШИНАМ УЙЛАРГА

Дунёнинг ривожланган давлатларида ҳам аҳолининг бир қисми ижарада яшайди. Ҳатто умр бўйи ишлаб хусусий уй-жой сотиб олишга имкон топмайди. Бу масалада юртимизда яратилаётган имкониятларга ҳавас қилса арзийди. Инсон ва унинг манфаатлари устувор саналган мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат замирида аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, айниқса, фуқароларнинг уй-жой шароитларини яхшилашдек олийжаноб мақсадлар мужассам. Зеро, инсон оиласи билан тинч-тотув яшаши учун ўз уйига эга бўлсагина кўнгли хотиржам юради, эртанги кунга мустаҳкам ишонч билан қарайди.

■ «Янги Ўзбекистон» жамоли

Кейинги йилларда Хоразм вилоятида ҳам урбанизация жараёни тезлашиб, шаҳарларда кўп қаватли уйлар қурилиши кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Статистик маълумотларга кўра, 2017 йилда вилоятда кўп қаватли уйларда бўйича 318 минг квартира мавжуд бўлган, бугунги кунга келиб эса уларнинг сони 400 мингдан ошиб кетди. Ўтган 2024 йилда вилоят бўйича 178 та кўп қаватли уй қурилган бўлса, шуларнинг 68 таси “Янги Ўзбекистон” массивларида тўғри келади.

қулайликлари, лойиҳанинг ўзига хос дизайни билан аҳолига жуда маъқул бўлмоқда.

— “Ўз уйинг — ўлан тўшагинг” деган гап қанчалар ҳақиқат эканини биз каби ижарама-ижара юрганлар яхши билади, — дейди янги уй соҳибаси Олтин Бердимуродова. — Ўз бошпанамиз бўлишни йиллар мобайнидан орзу қилгандик. Лекин қанча ҳаракатда бўлмайлик, рўзгордан, бола-чақадан ортириб, уй олишга қўрбимиз етмади. Мана, 2025 йили ўз уйимизда кутиб



бўлмаса, бундай замонавий уй-жойлар қаёқда эди, дейсиз. Илоҳим, халқимиз манфаати йўлидаги ислохотлар бардавом бўлаверсин!

— Анча йиллардан бери оиламизга мос, ихчам, барча қулайлик мужассамлашган уй-жойга эга бўлишни орзу қилардик, — дейди янги уй соҳибаси Эргаш Йўлдошев. — Узоқ муддатли имтиёзли кредит берилиши туфайли ниятимизга етишдик. Энди уч хонали, ҳавас қилса арзигулик чироили уйимиз бор. Янги уйга

қурилишига фақат ижтимоий ёки қурилиш масаласи деб эмас, балки худуд иқтисодий ривожланишининг асосий драйвери сифатида қараш лозимлигини таъкидлади. Жумладан, ўтган йил уй-жой қурилиши Хоразм вилоятида яхши олиб борилганини айтди. Эңдилиқда кўп қаватли уйларни қуриш, фойдаланишга топшириш, эксплуатация қилиш билан боғлиқ масалалар янги ташкил этиладиган “Ўз уйим” компанияси орқали ўз ечимини топади. Халқаро мутоахассисларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқиладиган, келгуси беш йилликка мўлжалланган уй-жой стратегияси халқимизнинг тураржойга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш имконини беради.

— Янгиланган лойиҳалар бўйича барпо этилаётган уйлар ўзининг нархи, шинамлиги ва қурилиш-монтаж ишларининг сифати бўйича аҳолига жуда маъқул бўлмоқда, — дейди вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси шўъба бошлиғи Шерзод Аметов. — Улар маҳаллий шароит ва миллий архитектура аъёналарини ҳисобга олган ҳолда жуда пишиқ-пухта қилиб қуриляпти. Янги лойиҳалар асосида бунёд этилаётган иморатларда энергия тежандиган материаллар, замонавий қурилиш конструкцияларидан кенг фойдаланилди. Пудрат ташкилотлари учун берилган имтиёзлар қурилиш корхоналари иқтисодий аҳолини яхшилаш, моддий базасини мустаҳкамлаш, уйлар таннархи ошиб кетишининг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.

Одилбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»).



Шу кунгача “Янги Ўзбекистон” массивларида 4 мингдан зиёд хонадонларга эга 112 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилган. Умуман, вилоятда “Янги Ўзбекистон” массивларида 19800 та хонадонга эга 555 та кўп қаватли уйни барпо этиш режалаштирилган.

олиш бахтига мушарраф бўлди — шаҳарчада янги қурилган уйлардан 3 хонали квартирани субсидия асосида сотиб олди. Шинам хонадонда барча шароит мўҳайё. Қувонарлиси, шаҳарчининг ўзида мактаб, боғча, савдо ва хизмат кўрсатиш марказлари, ёшлар технопarki мавжуд. Ал-Хоразмий номидаги янги университет ҳам барпо этилади. Президентимизнинг ғамхўрлиги

кўчиб ўтган фарзандимиз дунёга келди. Фарзандларим шундай файзли, озода, ҳамма қулайликларга эга ўйда камолга етишидан қувончим, давлатимиз раҳбаридан миннатдорлигим чексиз!

Янги давлатимиз Президентининг ипотека дастури доирасида 2024 йилда амалга оширилган ишлар ва 2025 йил учун режалар муҳокамасига бағишланган ви-деоселектор йиғилишида уй-жой

Қоҳирада «Ўткан кунлар» ва «Бобурнома» асарлари намоиш этилмоқда

Миср пойтахтида Яқин Шарқ минтақасидаги йирик — Қоҳира халқаро китоб ярмаркаси бўлиб ўтати.

■ Биз ва жаҳон

Ўзбекистон элчихонасидан олинган маълумотларга кўра мазкур ярмаркада илк маротаба мамлакатимиз дипломатик ваколатхонаси ташаббуси билан араб тилига ўғирилган “Ўткан кунлар” романи ва “Бобурнома” асари тақдим этиляпти.

Мазкур китоблар кўпалаб нусхада “Дор ул-маориф” нашриётида чоп қилинган бўлиб, ушбу муассаса томонидан бошқа араб давлатларида бўлиб ўтадиган китоб ярмаркаларида ҳам тақдим этиш режалаштирилган.

Айтиш керакики, элчихона кўмағида 2024 йилда буюқ ёзувчи Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи Мисрдаги Айн-Шамс ва Луксор университетлари профессори Мухаммад ал-Жабали томонидан араб тилига таржима қилинди.

Айн Шамс университети профессо-



ри Магда Махлуф томонидан илк маротаба араб тилига таржима қилинган “Бобурнома” асари 2024 йилда қайта чоп этилди. Ушбу китоблар Яқин Шарқ мамлакатларидаги нуфузли университет ва кутубхоналарга тарқатилмоқда.

«Дунё» АА.
Қоҳира

Қаҳрамон муаллима ҳаёти саҳнада

Қаҳрадарё вилаети маоалии драма театрида Ўзбекистон Қаҳрамони Мухаббат Шаропованин ҳаёти ва фаолияти акс эттирилган “Мухаббат” спектаклининг премьераси бўлиб ўтди.

■ Ибрат

Мухаббат Шаропова 1971 йилда Самарқанд давлат университетининг математика факультетини тамомлаб, Қарши шаҳридаги 5-умумий ўрта таълим мактабида математика ўқитувчиси сифатида ўз фаолиятини бошлаган. Кейинчалик Қарши давлат университети қошидаги лицей-интернатда, Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ишлади. 2022 йилдан буён Қарши давлат университетининг Алгебра ва геометрия кафедраси профессори сифатида фаолият юритмоқда.

Ярим асрдан ошибдики, бу фидойи педагог ўқувчиларга, талабаларга математика фанининг сир-синаотларини ўргатиб келмоқда. Унинг шогирдлари шу вақтга

қадар 22 маротаба республика фан олимпиадаларида, 3 маротаба халқаро математика олимпиадаларида, 9 маротаба математика фани бўйича ўтказилган халқаро танловларда ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой эгаллаган. 7 нафар фан доктори, 30 дан ортиқ шогирдларининг фан номзоди даражасига эришишида ҳам Мухаббат Шаропованин қилган меҳнатлари, уларга берган сабоқлари натижаси мужассам.

Ўзининг бор куч ва шижоатини, билимини ёш авлод таълим ҳамда тарбиясига бағишлаган Мухаббат Шаропова 2016 йилда давлатимизнинг энг юксак мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланди.

Режиссёр Фарход Бойназаров томонидан саҳналаштирилган спектаклда жонкуяр му-

аллиманинг доалиги, ўз фаолияти биламида бо-сисб ўтган сермазмун йўли, ўқитувчилик касби-нинг машаққати, заҳмати ва роҳатлари акс эттирилган.

Спектаклда бош рол-ни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ойгул Халилова ижро этган.

— Спектаклни томоша қилиш асносида ўз фаолиятимга, қолаверса, ўқитувчилар меҳнатига четдан назар солиш имкони туғилди, — дейди Мухаббат Шаропова. — Биз ўқитувчи меҳнатининг қадри бўлмаса қийин даврларни ҳам кўрдик. Бугун давлатимиз томонидан бу соҳа эгаларига қаратилаётган эътибор, берилаётган рағбат ва эъозлардан бах-



раманд бўляпмиз. Спектаклда ана шу жиҳатлар маҳорат билан ёритиб берилгани мени мамнун этди.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ — РИВОЖЛАНИШ КАФОЛАТИ

Мамлакатимиздаги қайси йўналиш ёки соҳани олмайлик, уларга оид ютуқлар, эришилган марралар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Албатта, бу ислохотлар моҳиятан кенг билим, таълим-тарбия, илм-фан ривож билан чамбарчас боғлиқ. Демак, таълимга эътибор бермай ёхуд унинг тараққиётини таъминламай туриб мамлакат ривожланмайди.

Нуктаи назар

Президентимиз раҳбарлигида олиб борилган халқчил, адолатли ва кенг қамровли ислохотлар ҳаётда ўзининг ижобий натижаларини намойён этаётир. Халқ манфаати барча нарсадан устун даражага олиб чиқилди, фаолиятда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган тамойил устуворлиги касб этипти.

Мамлакатимизни келгуси етти йилда ривожлантиришга қаратилган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини камида 50 фоизга етказиш, олий таълим муассасаларининг таълим дастурларини халқро аккредитациядан ўтказиш, республикаимизнинг энг илғор 10 та олий таълим муассасасини дунёнинг нуфузли “ТОП — 1000” олий таълим ташкилотлари рейтингига киритишга эришиш ҳамда илмий тадқиқотлар натижадорлигини ошириш каби устувор вазифалар белгилаб берилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоасининг фаолияти, аввало, ушбу вазифалар ижросини таъминлашга ва таълим сифатини узлуксиз ошириб боришга қаратилган. Айниқса, келажақ бунёдкорлари бўлган ёшларга таълим-тарбия бериш, уларни баркамол авлод этиб вояга етказиш, илм-фан ҳамда техника ютуқларидан оқилона фойдаланган ҳолда, уларни замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялаш фаолиятимизнинг бош мезонига айланди.

Илмий салоҳият ва инновацион ташаббуслар

Олий таълим даргоҳининг илмий салоҳияти ошиб боришидан биз ҳам, талабаларимиз ҳам манфаатдоримиз. Шу боис ҳисобот даврида бу масала диққат марказимизда бўлди.

Бугунги кунда университетда илмий таълим даражага эга профессор-ўқитувчилар улуши 26,5 фоизни ташкил этади. Шу билан бирга, ўтган йили жами 54 та диссертация ҳимоя қилиндики, бу ҳам илмий тадқиқотлар ҳамда педагогик

салоҳиятни ривожлантириш бора-сидаги бир ютуғимиз.

Мингдан ортиқ мақолалар илмий журналларда чоп этилди. Хусусан, “Scopus” ва “Web of Science” базаларида 33 та мақола чиқди. Университетда 52 та монография нашр этилиб, илмий тадқиқотлар йўналишида етакчи ўринларни эгаллади. Жорий йилда профессор-ўқитувчиларимиз томонидан маҳаллий ва хорижий илмий журналларда чоп қилинадиган мақолалар сони 1100 дан ошиши кутилмоқда. Бу йўналишда ходимларимизнинг анъанавий “Устоз — шогирд” шаклида иш юритишини ҳар томонлама рағбатлантириб боришни режаланганмиз.

“Маълумот учун айтиш жоиз, ҳисобот даврида хорижга юборилган профессор-ўқитувчилар сони 97 нафардан 271 нафарга етказилди. Бу университетнинг халқаро таълим тизимига интеграция қилинаётгани ҳамда илмий ҳамкорликда янги имкониятлар очилаётганини кўрсатади. Хорижий талабалар сони ҳам сезиларли даражада ошди, 2023/2024 ўқув йилида 61 хорижий талаба университетимизга қабул қилинган бўлса, 2024/2025 ўқув йилида эса бу кўрсаткич 165 нафарга етди.”

Ҳисобот даврида муассасамизда таълим жараёнини замонавий талабларга мослаштириш мақсадида бир қатор инновацион ташаббуслар амалга оширилди. Жумладан, “EDU Smart Studiysi” ишга туширилди, бу орқали профессор-ўқитувчилар видеодарслар ёзиб олиш имкониятига эга бўлишди. Мазкур ташаббус ўқув жараёнларининг сифатини яхшилаш, талабаларга янада интерфаол ҳамда замонавий ўқув материалларини тақдим қилиш имкониятини яратди.

Шунингдек, университетимизда янги — Регистратор офиси ташкил этилди, бу эса ўқув жараёнида маълумотларни бошқариш ҳамда назорат қилиш ишларини янада осонлаштирди. Қолаверса, талабалар учун иккинчи чет тили сифатида польяк, урду ва ҳинд тиллари йўлга қўйилди. Бу, ўз навбатида, хорижий тилларни ўрганиш қўламини янада кенгайтиришга замин яратмоқда.



Янги лойиҳалар — амалда

“Тил билган эл билади”, дейишади. Шу маънода, юртимизда хорижий тилларни ўргатишни таълим сиёсатининг устувор йўналиши ўлароқ ривожлантириш, таълим сифатини тубдан юксалтириш, соҳага малакали педагогларни жалб қилиш ҳамда аҳолининг хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида кўплаб янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётир.

ташкил этилган “Défi Inter-Alliances — 2024” мусобақасининг Осиё босқичида бир талабамиз 1-ўринни кўлга киритди. Бундан ташқари, Давлатмаммед Азизий номидаги Туркман миллий жаҳон тиллари университетида бўлиб ўтган рус тили бўйича халқро онлайн олимпиадада уч нафар талабамиз 1, 2 ва 3-даражали дипломлар билан тақдирланди.

Албатта, ютуқлар ўзимизники. Аммо бундай муваффақиятларни янада кўпайтириш учун имкониятимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам етарли. Келгусида бу борадаги ишлар ҳам янги суръатларда изчил давом эттирилади.

Халқаро ҳамкорлик

Халқаро ҳамкорликни мустақамлаш масаласи университетимизнинг доимий ва энг муҳим вазифаларидан биридир.

Чунюки, ўтган йили 153 та нуфузли хорижий олий таълим муассасаси билан ҳамкорлик меморандуми, шартномалар имзоланди. Бу профессор-ўқитувчиларни малака ошириш ва амалиёт ўташ учун хорижга юбориш билан бирга, қўшма таълим дастурлари ижросидан ҳам иборат.

Маълумот учун айтиш жоиз, ҳисобот даврида хорижга юборилган профессор-ўқитувчилар сони 97 нафардан 271 нафарга етказилди. Бу университетнинг халқаро таълим тизимига интеграция қилинаётгани ҳамда илмий ҳамкорликда янги имкониятлар очилаётганини кўрсатади. Хорижий талабалар сони ҳам сезиларли даражада ошди, 2023/2024 ўқув йилида 61 хорижий талаба университетимизга қабул қилинган бўлса, 2024/2025 ўқув йилида эса бу кўрсаткич 165 нафарга етди.

Олий таълим муассасамизнинг Педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази филология ва тилларни ўқитиш, хорижий тил ва адабиёти, таржима назарияси ва амалиёти каби таълим йўналишларида халқро аккредитациядан муваффақиятли ўтди. Ушбу аккредитация жараёни “Accreditation and Rating International Agency” (ARIA) томонидан ўтказилган университет таълим дастурларининг халқро талаб ҳамда стандартларига тўлиқ мослигини амалда исботлади.

Экологик масъулият ва «яшил» иқтисодиёт сари

Университет жамоаси “яшил”

тараққиёт ва экология соҳасига ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган чора-тадбирлар ва лойиҳалар сабаб университет “GreenMetric” халқаро рейтингига илк мартаба “ТОП — 500” рўйхатига кирди.

Маълумот учун, “GreenMetric” рейтинги нафақат илмий ва академик салоҳиятни, балки экологик масъулиятни ҳам баҳолашда муҳим ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбари томонидан “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб ном берилган жорий йилда ҳам юртимизда яшил ҳудудларни кенгайтириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида фаол қатнашиш, ёшлар ўртасида экологик маданиятни тарғиб қилиш каби сатъ-ҳаракатларимиз бардавом бўлади. Хусусан, университетнинг бино ва иншоотлари том қисмига 150 кВт ҳажмда қўш панелларни ўрнатиш, ўқув ва талабалар тураржойлари ҳамда барча ташқи ёритиш чироқларини қўш панеллари ёрдамида қувватлантириш орқали электр энергияси тежамкорлигига эришилади.

Университетнинг бакалаврият таълим йўналиши босқичини тугатаётган ёшларимиз орасида ўқишни магистратурада давом эттириш истagini билдираётганлари кўпчиликини ташкил этади. Шу боис йўналишларда талабалар сонини 10 фоизга ошириш ниятидамиз. Ушбу мақсадга эришиш учун битирувчи курс талабаларига хорижий тил сертификати имтиҳонларига тайёрловчи тўғрақлар очилган. Ишонамизки, энг иқтидорли битирувчи талабалар магистратура мутахассислигида ўқишни давом эттириб, университетимиз кадрлар заҳирасини бойитишга ўз ҳиссасини қўшади.

Умуман, бугунги кунда университетимизда 20 дан ортиқ хорижий тиллар ўқитилади. Хорижий мутахассисларни дарс жараёнига жалб қилиш таълим сифатини оширишнинг энг самарали воситаси эканидан келиб чиқиб, бу йил хорижий тиллар бўйича 160 нафар тажрибали мутахассисни тақлиф этганмиз. Шу жиҳатдан, ўтган йил барча соҳада кўлга киритилган ютуқлар жорий йил учун мустақам бойдевор вазифасини ўтайди. Янгиланишлар, илм-фан ва таълимда янги ютуқлар занжирини янада узайтириш пировард мақсадимиз бўлиб қолаверади.

Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори.

ТИББИЁТ янгиликлари

Хизматлар 7/24 иш режимида

Миллий тиббиёт маркази мамлакатимиздаги ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари орасида биринчи бўлиб 7/24 иш режимида ўтди.



Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати хабарига кўра эндиликда бу ерда ҳафтасига 7 кун, 24 соат давомида муножаатлар қабул қилиниб, беморларга узлуксиз тиббий хизмат кўрсатилади.

Айни пайтда муассасада янги турдаги инновацион диагностика ва муолажа усуллари йўлга қўйиш борасида жадал иш олиб бориляпти.

Хусусан, марказда робот технологияси ҳамда бош мия касалликларини даволашда қўлланиладиган гамма-пичоқ тизимлари жорий этилиши кўзда тутилмоқда.

Шифо маскани замонавий қиёфада

Президентимизнинг 2022 йил 16 июндаги “Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Самарқанд вилоятининг Қўшрабоб, Пайариқ ва Самарқанд туманлари тез тиббий ёрдам хизмати бинолари қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди.



Натижада Қўшрабобнинг 142 минг, Самарқанд туманидаги 272 минг, Пайариқнинг 273 минг нафар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш сифати тубдан яхшиланди.

Аҳамиятлиси, мазкур шифо муассасаларига Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика тез тиббий ёрдам маркази томонидан замонавий “Volkswagen Caddy” автомашиналари топширилди.

Юракка малҳам бўлаётганлар

Андихон давлат тиббиёт институти клиникасининг юрак-қон томир жарроҳлик бўлимида орттирилган ва тўғма юрак нуқсонини бор беморларда ўтган йили 300 дан зиёд юқори технологик амалиётлар ўтказилди.



ССВдан хабар беришларича, ўтган йили клиника мутахассислари томонидан вилоятнинг барча туманлари бўйлаб 8,5 мингдан зиёд беморлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг 600 нафаридан кўпиди коронар қон томирларини стентлаш, сунъий қон айланиш шароитида очик ва ишлаб турган юракда ноёб амалиётлар бажарилди.

Буйрак трансплантациясини институт клиникасида ҳам ўтказиш йўлга қўйилиб, шу кунгача 20 дан зиёд беморларда бу амалиёт муваффақиятли бажарилган.

Хозирга келиб, ушбу клиниканинг юрак-қон томир жарроҳлик бўлимида 10 дан зиёд янги замонавий текшириш усуллари ва 6 турдаги юқори технологик операциялар амалиётга татбиқ этилмоқда.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги “Дипломатик сервис хизмати” ДУК жамоаси бош директори ўринбосари

Ўткирбек ҲАМДАМОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақинларига қавур таъзия изхор этади.

«ЛОЛАЗОР»НИНГ ЯРМИ БЎСТОН, ЯРМИ...

Қаловини топсанг қор ёнади. Бу гап Зафаробод туманидаги Лолазор маҳалласида яшаб келаётган Эрбўта Жўраев каби инсонлар учун айтилгандек, назаримизда. Гап шундаки, у ишсиз юрган кунларнинг бирида маҳалласидан 0,25 гектардан ер ажратилаётганини эшитиб, яхши ният билан томорқа олди. Томорқасида ёзу киши тиним билмай, шинамгина уй кўтарди. Турмуш ўртоғи Раҳима опа ёнида туриб мадад бўлди. “Менинг ҳовлим, менинг хонадоним” деган тушунчани пешона тери билан ҳовлисини бўстонга айлантиргандан кейин англади. Шу ҳовли этагида мўъжизагина бог яратиб, мевали дарахтлар экди. Токлари соя солиб, ҳовли кўркига кўрк қўшди.

Бир олманинг икки юзи

— Ҳар бир томорқада хазина яширин, ишонмасангиз, бир-икки тул дарахт экинг, қилин-ёзин мевасидан баҳраманд бўласиз, — дейди Эрбўта Жўраев. — Самарқанд гилоси, зардолли, шафтолининг энг яхши навларидан ўтказганман. Ҳар баҳор гулла-гандя кўчадан ўтганлар ҳавас билан қарайди. Бу гўзалликдан улар ҳам баҳраманд бўлиши учун дарахт кўчатларини кўпайтириб сотишни йўлга қўйганмиз. Қўли қалта, рўзгоридега етишмовчилик бўлиб турган қўшилларга савоб учун текингасам берамиз.

Албатта, бир тул ниҳол забардаст дарахтга айланиб ҳосилга киргунча анча вақт керак. Эрбўта ача меҳнатдан қочмайди, ҳар бир дарахтни меҳр билан парварিশлайди. Баҳорда танасини оҳақлаб, барвақт ҳосилга киришга тайёр қилиб қўяди.

— Менга иш топиб беринг, деб маҳаллага келганларни Эрбўта Жўраевнинг хонадонига олиб келаман, — дейди “Лолазор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олим Тўғилов. — Маҳалламизда аксарият аҳолининг

томорқаси 0,25 гектардан. Кўпи бекор ётибди, уйда уч-тўрт киши ишсиз бўлса-да, томорқага қарамайди. Уларга Эрбўта акани ибрат қилиб кўрсатамиз...

Ҳа, богдорчилик, деҳқончилик одамдан сабр ва ҷидамини талаб қилади. Чунки бугун дарахт экиб, бирдан бойиб кетиш қийин. Қадалган ниҳоллар бир неча йилдан кейин мевага қиради. Эрбўта аканинг ушбу тажрибаси ҳам кўпчиликка ўрнак. Ҳар йили дарахтлар оралигида жўяклар тортиб, эрта баҳорда картошка экади. Кейин маккажўҳори, сўнгра саримсоқ пилёзга навбат келади. Уларни йиғиштириб олган, ўрнида қўкат, исмалоқ бош кўтаради. Хуллас, бир йилда томорқадан тўрт марта ҳосил оламаса, бу инсоннинг кўнгли жойига тушмайди.

— Бу ишларда турмуш ўртоғим Раҳимахон билан келиним кўмакчи. Икки ўғлим уста. Улар ўз хунари ортидан барака топаётир. Ўтган йили бозорга 700 кило узум чиқардик. Олма, ўрик, олхўридан ҳам яхши ҳосил оляпмиз. Энг катта муаммо маҳалламиз-

да сув йўқлиги, — дейди Эрбўта богбон.

— Ўзингиз томорқангизга сув олиб келибсиз-ку, бунга қандай эришдингиз, — сўраймиз богбондан.

— Дарахт ниҳолларини экиб бўлгач, дастлабки йилда баклажакаларга сув тўлдириб, томчилатиб сўғурдик. Ниҳоллар улғайган сари кўпроқ сув талаб қила бошлади. Ноилож, пластмасса қувурларда оқар сувлардан олиб келдик...

Богбон билан хайр-хўшлашиб, маҳалла айланамиз. Таассуфланарлики, кўпчиликнинг томорқаси бўш ётибди, баъзи бирларидега номингана 3-4 тул дарахт экилган.

Бугунги кунда томорқасидан фойдаланиб, иссиқхона қурган ва фойда олаётганлар минглаб топилади. Бозорни тўлдириб турган цитрус мевалар, помидор ва бодринг, қўкатлар вилоятимиз туманларидаги иссиқхоналарда етиштирилмоқда. Аммо хонадонларда шунча ер туриб, ундан фойдаланишга ундамаётган, аҳолига бош-қош бўлмаётган Лолазор “маҳалла еттичилиги”га қўйил қолмади. Ахир тадбиркор бўламан деганга банк кредит ажратмоқда. Камбағалликни қисқартириш учун давлат томонидан субсидиялар берилаётир. Наҳотки уч-тўрт нафар қўшнани келиштириб, Эрбўта Жўраевга

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 12 900 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳосини келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қопибист 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Тахриратта келган қўлаёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.35 Топширилди — 01.40 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Норкулов.
Мусаҳҳих — С. Исмолов.